



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (12.433)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛ - INDEPENDENCE - NEZAVISIMOST
22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

XXI *асри*
Барча
маъналардан
олинган сўзнинг
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий соҳада олиб
борилётган кенг қамровли ислохотлар ва фаол инвестиция сиёсати чет эллик
сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил
бўлмоқда. Мамлакатимизда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил
этилган корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб
чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилган.**

Кенг қамровли хусусийлаштириш жараёни хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга, ҳамкорликда турли йўналишларга ихтисослашган корхоналар ташкил этишга қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Elektr quvvati qurilmalari» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бунга мисол бўла олади.

2012 йилнинг июнидан ташкил этилган мазкур корхона «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Хитойнинг «Holley metering limited» корпорацияси ҳамкорлигининг амалий натижасидир. Қўшма корхона электр техникаси маҳсулотлари, аниқлик даражаси жаҳон стандартларига мос замонавий ўлчов трансформаторлари ишлаб чиқариш, уларни текшириш ва синовдан ўтказишга ихтисослашган. Корхона йилига юз минг донга 0,4 киловольтли трансформаторлар тайёрлаш қувватига эга. Корхона ташкил этилгандан буюн йигирма мингдан зиёд электр трансформаторлари ишлаб чиқарилди. Келгусида маҳсулот турини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида 35 киловольт кучланишга бўлган ўлчов трансформаторлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Хусусан, 2013-2014 йилларда 6-10 киловольт кучланишли

трансформаторлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарга етказиб берилади. Корхонада илгор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати, қулайлиги, халқаро андозаларга мослиги билан буюртмачилар ишончини қозонмоқда.

— Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустақамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда, — дейди «Elektr quvvati qurilmalari» қўшма корхонаси бош директори Шин Хуаймин. — Қўллаб-мамлakatларнинг, хусусан, Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларининг Ўзбекистонга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиши катта. Қўшма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, аввало, сифатига катта эътибор қаратялмиз. Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Асосий мақсадимиз яратилган ана шундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН БРЕМЕН ХАЛҚАРО МАДАНИЯТЛАР АНЖУМАНИДА

**Яқинда Германиянинг Бремен шаҳрида турли миллат ва элатлар
вакиллари ўртасидаги мулоқотни жадаллаштириш ҳамда жамоатчиликни
халқларнинг урф-одат ва анъаналари, маданияти ҳамда пазандалик
санъати билан таништириш мақсадида ўтказиладиган анъанавий Халқаро
маданиятлар фестивали бўлиб ўтди.**

Тадбирда мамлакатимизнинг Германиядаги дипломатия миссияси ва Бремендаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти томонидан миллий услубдаги Ўзбекистон бўлмаси ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур бўлмадан жой олган халқимиз амалий санъати намуналари, юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, замонавий тараққиёти ҳамда

улкан сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар халқаро анжуман катнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Жорий йилда Бремен халқаро маданиятлар фестивали тарихида илк маротаба барбекю фестивали уюштирилди. Унда анжуманининг кўп сонли меҳмонлари дунёнинг турли мамлакатлари халқларининг пазандалик санъатидан, шу жум-

ладан, ўзбек миллий таомларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Тадбир меҳмонларидан бири — **Рольф Ристер** «Жаҳон» ахборот агентлиги мўҳбири билан суҳбат чоғида тадбирдан олтирган таассуротларини ўртоқлашар экан, сайёҳликка доир маълумотлар ва Германия матбуоти орқали Ўзбекистонни яхши билишини маълум қилди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси конституций
ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон
Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети
ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқди. Ушбу
масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг биринчи ўринбосари,
молия вазири Р.Азимов маъруза қилди.**

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан парламент назорати Қонунчилик палатасининг устувор вазифалари жумласига киради, шу сабабли у депутатлар корпусининг диққат марказида туради. Яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда олдинроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир ҳисоботи дастлабки тартибда кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида таъкидландики, жаҳон иқтисодиётидаги салбий тенденцияларга қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси изчил рўйбга чиқарилиши натижасида ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макroiқтисодий мутаносиб-лиги таъминланди.

2012 йил якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7 фоизни, чакана товар айланшининг ўсиши 13,9 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарининг рақобатлашув афзалликларини рўйбга чиқариш, экспорт таркибини диверсификация қилиш бўйича аниқ мақсадли ишлар ва янги ташкил бозорларнинг фаол ўзлаштирилиши 2012 йилда экспорт ҳажмининг 11,6 фоиз ўсишини, мамлакат олтин-валюта захираларининг кўпайишини таъминлади.

Ўтган йили ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг жадаллаштиришга ҳамда янги, замонавий ва юксак технологик ишлаб чиқаришларни барпо этишга, қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхши-лашга, уларни ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дасту-рини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини ўтказишга ҳам катта эътибор қаратилди.

Йирик 205 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестициялардан самарали фойдаланиш, маҳсулотни маҳаллийлашти-риш дастурини рўйбга чиқариш ҳисобида бюджетнинг даромад базаси мустаҳкамланди. Шунинг билан бир қаторда, республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солиғидан тушумлар 17,2 фоиз кўпай-ди, бу иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш сиёсати-нинг муҳим натижаларидан биридир.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакат аҳоли-сининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш ма-салалари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг диққат марказида бўлди. 2012 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар 26,5 фоизга ошди.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш, солиқ юкини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2012 йил-ги Давлат бюджетининг ижроси тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз продицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсат-кичларидан ошмади.

Маҳлисида қайд этиб ўтилдики, ҳисобот даврида асосий эътибор ижтимоий соҳани молиялаштиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш соҳала-рини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Саволларга жавоблар берилгандан кейин ҳисобот батафсил муҳокама этилиб, муҳокамалар пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Мунозараларда ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари алоҳида таъкидладилар-ки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мумкин қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, мамлакатнинг ин-вестициялар жалб этиш жиҳатидан жозибадорлигини ошириш иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришнинг энг муҳим вазифаларидир.

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсати, хусу-сан, 2012 йилдан бошлаб саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизгача камайтирилиши уларнинг жадал ва тобора ривожланишини таъминлади. Фақат мазкур солиқ тури бўйича ставканинг пасайтирилиши ҳисобида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг даромадлари тахми-нан 100 миллиард сўмга кўпайди. Демак, кичик бизнес субъектлари бу маблағлардан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари-ни ташкил этиш учун фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ишлаб чиқарувчиларгина эмас, умуман, аҳоли ҳам наф қўради.

(Давоми 2-бетда)

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонуннинг Фарғона вилоя-тидаги ижросига бағишланди. Унда де-путатлар, тегишли вазирлик ва идора-лар, Фарғона вилояти давлат ҳокимия-ти органлари вакиллари ва тадбиркор-лар иштирок этди.

● Навоий шаҳрида «BankExpo – 2013» кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки томонидан Навоий вилояти ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тижорат банклари, суғурта, лизинг компаниялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди. Кўргазмада янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган истиқболли лойиҳа-лари билан иштирок этган кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари, фермер ҳўжаликлари, хунармон-лар ва ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи серти-фикатлар топширилди.

● Самарқанд шаҳрида вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилар-ини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишга бағишланган тадбир ўтказилди. Вилоят прокуратураси та-шаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳузу-ридаги вояга етмаганлар ишлари бўйи-ча комиссия ва халқ таълими бошқар-маси ҳамкорликда ташкил этган тадбир-да мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароит яратилаётгани таъкидланди.

● Урганчда «Қамолот» ЕИХ Хоразм вилояти кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув-се-минар ўтказилди. Анжуман доирасида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати-нинг энг намунали бошланғич ташкило-ти танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Таллиндаги Болтиқ кемаларни таъ-мирлаш заводида газнинг кучли порт-лаши натижасида бир киши ҳалок бўлди, корхонанинг икки нафар ходими тан жа-роҳати олди.

● Франция полицияси қимматбаҳо тошларни ўғирлашга ихтисослашган «Қизил пантера» номли халқаро жиноят-чилар гуруҳининг иштирокчисини қўлга олди. Ушбу гуруҳ аъзоси Лиан Дроб-някнинг тез орада уни қўлга олишга қўмақ сўраб, Интерполга мурожаат қил-ган Германияга жўнатиб юборилиши ку-тилмоқда.

● Ироқ маъмурияти 2030 йилга бо-риб нефть ва газ экспортидан 6 трил-лион доллар миқдоридан даромад олиш-ни мўлжалламоқда. Мамлакатнинг янги энергетика стратегиясида ушбу режа қайд этилган. Бунинг учун 2014 йилга бориб Ироқ бир кеча-кундузда нефть ка-зиб олишни 4,5 миллион баррелга ет-казмоқчи. 2020 йилнинг охирига бориб эса бу кўрсаткич 9 миллион баррелдан ошади. Яна бир неча йилдан сўнг нефть казиб олиш 12 миллион баррелни таш-кил этади ва бу борада дунёда етакчи-ликни қўлга киритиш режаланган.

● Озарбойжон пойтахти Боку шаҳри-нинг Низомий районида полициянинг жарима майдончасида юз берган ёнгин натижасида қирққа яқин автомашина ёниб кетган. Минг квадрат метрлик жой-да рўй берган ёнгини бартараф этиш учун ўн та ўт ўчириш машинаси жалб этилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Юнусобод тумани-даги «Оқтепа» маҳалласида

жойлашган 274-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Юлдузча» оромгоҳида «Сажа-гоҳимсан, Ватан» номли тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ички ишлар ва-зирлиги академиясида курсант-ларнинг битирув маросимига бағишлаб тантанали тадбир

ташкил этилади.

✓ **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида «Одам савдосига қаршимиз» мавзuida семинар-тренинг бўлиб ўтди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни қайд этиш жоизки, қўшма корхонанинг электр трансформаторлари электр энергияси сарфини ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизимни жорий этишда жуда қўл келади. АСКУЭ деб номланган ушбу янги тизимнинг афзал жиҳати шундаки, у электр энергиясини тежаш имконини беради. Шунингдек, истеъмолчининг сарф қилинган электр энергияси учун ўз вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилиб боришини таъминлайди. АСКУЭ тизимини Ўзбекистоннинг барча ҳудудида жорий этиш жадал олиб боришмоқда.

— Импорту ўрнини босадиган махсулот ишлаб чиқариш ва ички бозорга ўлчов трансформаторларини етказиб бериш ҳамда кейинчалик уларни экспорт қилиш корхонамиз

жамоаси олдидаги муҳим вазифалардан дидир, — дейди «Elektr quvvati qurilmalari» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Қаҳрамон Нурматов. — Мамлакатимиз электр энергетикаси тизими учун зарур ускуна ва қурилмалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган рангли металл захиралари, хомашё ресурсларига бой, энг асосийси, етук мутахассисларга эга. Махсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланамиз. Бу махсулотларнинг сифати юқори, нархи эса арзон бўлишига хизмат қилаётди. Ўтган йили VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этдик. Тадбир бизга янги шериклар топиш имконини берди. Ярмаркада ўн саккизта шартнома тузишга муваффақ бўлдик.

«Elektr quvvati qurilmalari»-да йнгирмадан зиёд киши меҳнат қилади. Ишчилар учун барча

зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган.

— Мазкур корхонада ишлаётганимга бир йил бўлди, — дейди цех оператори Зоҳиджон Юсупов. — Бу ерда ишчилар учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва дам олиш бўйича барча шароит яратилганидан мамнунмиз.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани ўзининг ана шундай юксак самаларини бераётди. Юртимизда яратилган қўлай сармоявий муҳит, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўллаб-қўллашларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилаверади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



Оттабек Мирзоев (ЎЗА) олган суратлар

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари таъкидлаганидек, бундай сиёсат натижаси аққол кўриниб турибди — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМ-даги улуши 2011 йилда 54 фоиздан 2012 йилда 54,6 фоизга ошди, уларнинг фаолиятдан бюджетга тушумлар 22,5 фоизга ўсди, 485 мингтадан ортиқ иш ўринлари яратилди.

ЎзЛиДеП депутатларининг фикрига кўра, фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш 2012 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 11,7 миллиард доллардан зиёд суммадаги капитал маблағларни ўзлаштириш имконини берди. Бу 2011 йилдагидан 14,0 фоиз кўпдир. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 22,9 фоизни ташкил этди, бу мамлакатдаги инвестиция жараёнининг юқори даражада фаоллигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг реал секторига деярли 2,5 миллиард доллар ҳажмидаги чет эл инвестициялари жалб этилиб, бундан 79,0 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этди.

Буларнинг барчаси экспортнинг жадал ривожлантирилишини ва экспорт таркиби диверсификация қилинишини таъминлаш, махсулотни реализация қилиш учун янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштириш имкониятини беради.

Шу билан бирга, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари таъкидладиларки, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари сингари кичик бизнес корхоналарини техник ва технологик модернизация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, товарлар ва хизматларни экспорт қилиш жараёнига «ягона ойна» тизимини жорий этиш тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини янада оширишга анча кўмаклашган бўлур эди.

2012 йилги Давлат бюджетни ижросини кўриб чиқиш пайтида Ўзбекистон ХДП фракцияси депутатлари Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, 2012 йилда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобига салкам бир миллионга янги иш ўринлари ташкил этилди. Бундан таъминан 62 фоизи қишлоқ жойларида яратилди. Бунда фақат қасанчаликнинг ярча шаклини кенгайтириш ҳисобига 218 мингта иш ўрни ташкил этилди. Мамлакатимизда бизнеснинг янги шакли — оилавий тадбиркорлик жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда, уларни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш учун катта имконият мавжудлигини қайд этиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари таъкидладиларки, 2012 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Касб-хунар коллежларининг иш бевучи корхоналар билан турли кооперация шаклларида фойдаланиш, ушбу муаммага туманлар ва шаҳарлар жамоатчилигини жалб этиш бу вазифани ҳал этишга қаратилган муҳим йўналиш ва омил бўлди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни битирган 450 минг нафардан зиёд ёшларни ишга жойлаштириш таъминланди, бунда битирувчиларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиёти-ни ўтаган корхоналарда ишга жойлаштирилди.

Хисобот даврида Бандлигини таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишчиларни қайта тайёрлаш, уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш бўйича ишлар давом эттирилганлигига ҳам эътибор қаратилди.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги алоҳида таъкидланди. Бунда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қилинган харажатлар 2012 йилда салкам 60 фоизни ташкил этди. Таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларини, фан ва бошқа соҳаларни таъминлаш ҳамда ривожлантиришга салмоқли маблағлар сарфланди.

Чунончи, ҳисобот даврида 62,3 минг ўқувчига мўлжалланган 189 та умумтаълим мактаби реконструкция қилинди, 161 мактабда мукамал таъмирлаш амалга оши-

рилди, 70 та касб-хунар коллежи реконструкция қилинди. Янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиаллари қурилиш тугалланди. Натижада, 2012-2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш амалда тўла таъминланди. Буларнинг барчаси энг муҳим вазифани ҳал этишга — баркамол, салоҳиятли ёшларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу мамлакатимиз келажакнинг, унинг рақобатбардошлигининг гаровидир.

Фракция аъзолари ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларни ижтимоий таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтидилар. 2012 йил мобайнида ана шу мақсадлар учун харажатлар 86,9 миллиард сўмдан ошди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ХДП фракцияси бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириб бориш муҳимлигини таъкидлади. Бюджет маблағларининг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш тизимидаги ўтиш, қанча ва нима учун сарф-харажат қилинганини эмас, балки ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш қандай сифат ўзгаришларига олиб келганини баҳолаш зарур.

Фракциянинг фикрига кўра, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандлигини таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишларидан фойдаланишнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни яхшилашга, бу соҳада жамоатчилик назорати тизимини қўлайлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Хусусан, молия соҳасида «ишонч телефонлари» тармоғини ривожлантириш мақсада мувофиқ бўлиб, бу бюджет маблағларидан, айниқса, жойларда мақсадсиз фойдаланилишининг олдини олиш имкониятини беради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси депутатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни давом этётганлигига қарамай, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга кўмаклашганлигига эътибор қаратдилар. Импорту ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи бунга далил бўлиб, ана шу кўрсаткич 2012 йилда 4,6 миллиард долларни ташкил этди. Бу тегишли равишда валюта захиралари ўсишига, иқтисодий суверенитет мустаҳкамланишига, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий омил сифатида иқтисодий хавфсизлик таъминланишига олиб келди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси ташқи қарзлар хусусида пухта ўйланган сиёсатнинг янада давом эттирилиши муҳимлигини таъкидлади. Бу жаҳон иқтисодиётидаги, ҳатто дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги давлат қарзининг ўсиши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган шароитда муҳимдир.

Бунда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, фракция аъзолари миллий товар ишлаб чиқарувчиларга қўшимча рағбатлар бериш асосида маҳаллийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар, биринчи навбатда, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди пайдо бўлишига, уларнинг жаҳон бозорларига изчил кириб боришига кўмаклашиш, товарлар контрабандасига қарши кураш самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтидилар. Умуман олганда, фаол ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш Давлат бюджетининг даромад қисмини янада мустаҳкамлашга ва тегишли равишда унинг харажатларини қўлайлаштиришга кўмаклашди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари Давлат бюджетни ижросини таҳлил этишда ўз сайловотида дастурларининг устуворликлари, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга эътибор қаратдилар. Хисобот даврида соғлиқни сақлашни ривожлантиришга 3 024,9 миллиард сўм ёки ижтимоий соҳа харажатларининг 24,6 фоизи йўналтирилган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 255,0 миллиард сўмдан зиёд маблағ 151 тиббиёт муассасасининг қурилиши ва реконструкция қилиниши учун йўналтирилди. Бу қўшимча равишда 8,0 мингта касалхона ўрни ҳамда бир сменада 12 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббиёт муассасаларини замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан 8,0 миллиард сўм ажратилди.

Республика иқтисослаштирилган жароҳлик марказида юксак технологик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларида қилинган беморларга ташхис қўйиш ва даволашни жаҳон андозалари даражасида амалга ошириш имконини бевучи юрак жароҳлиги бўлимининг очилиши ўтган йилнинг муҳим воқеаси бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари ижтимоий соҳани юксалтириш тадбиркорлигини ривожлантириш билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидладилар. Тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошира бориб, Давлат бюджетини тўлдирдилар, унинг катта қисми эса ижтимоий соҳага йўналтирилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи таъкидладиларки, 2012 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Давлат бюджетни харажатлари 83,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшилаш доирасида қишлоқ жойларида ичимлик суви билан таъминлаш тизими қурилишига 110 миллиард сўм ёки 2011 йилдагидан 67,4 фоиз кўп маблағ ажратилди. 2008-2012 йилларда Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига мувофиқ махсус жамғарма ҳисобидан экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш учун 202,7 миллиард сўм сарфланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи чиқиндиларга, канализация тизимлари ва тозалаш иншоотларини таъмирлаш ва реконструкция қилишга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг кадастрларини юритишга тааллуқли бир қатор масалаларни ҳал этиш учун бюджет маблағларини ажратиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Биологик хилма-хиллиқни сақлаш миллий стратегияси ва Харажатлар режасини экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган мақсадларга мувофиқ тақомиллаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилд.

Шу билан бир вақтда, депутатлар гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан қўлона фойдаланиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш борасида тегишли давлат тузилмаларининг жавобгарлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Умуман олганда, депутатлар мажлис жараёнида бюджет интизомига риоя этилиш устидан назоратни янада қўлайлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш муҳимлигини ҳам айтиб ўтидилар. Мамлакат ҳукуматида бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга, хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таъкид этилди.

Давлат бюджетининг ижросига доир ҳисобот депутатларда талай саволлар пайдо бўлишига олиб келди, бу саволлар ҳукумат вакилларида берилди.

Хар томонлама ва пухта муҳокамалардан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2012 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН
БРЕМЕН ХАЛҚАРО
МАДАНИЯТЛАР
АНЖУМАНИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ушбу халқаро анжуман ўзбек халқининг маданияти ҳамда анъаналари билан янада яқиндан танишиш учун бизга қўлай имконият яратди, — деди у. — Мамлакатингиз бўйлаб саёҳат қилишим учун зарур бўлган ахборотларни олганимдан хурсандман. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ва ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган тарихий обидалари ҳар йили миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб қилиб келаётганидан ҳам хабардорман.

Халқаро маданиятлар фестивалининг яна бир меҳмони Карстен Ханке ушбу тадбир юқори даражада ташкил этилганини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон бўлмаси ўзида илиқ таассуротлар қолдирганини айтди.

— Мамлакатингиз экспозициясида рафиқам иккаламизни самимият билан қутиб олишди, — деди у. — Биз турли-туман ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлдик. Ўзбекистон билан яқиндан танишганимиздан сўнг қалбимизда юртингизга саёҳат қилиш, унинг меҳмондўст халқи билан учрашиш, ўлкангиз заминидagi тарихий ёдгорликлар гўзаллигини ўз кўзимиз билан кўриш истаги уйғонди.

«Жаҳон» АА.
Бремен

ТАДБИРКОРЛАРГА
АМАЛИЙ КЎМАК

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Миробод тумани ҳокимияти ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Миробод тумани ахборот-маслаҳат маркази томонидан ўтказилган тадбиркорлар кунига шулар ҳусусида сўз борди. Унда Тошкент шаҳар ва туман назорат органилари, идораларининг раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.

Ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хорижий корхоналар билан алоқаларини кенгайтиришда Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган тадбиркорлар дастури муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Унга кўра, Миробод туманида тадбиркорлик субъектларининг шикоятлари ва муаммоларини ечишга кўмаклашиш мақсадида ҳафтадан жума кунлари соат 10.00дан 13.00гача тадбиркорлар кунини ўтказилмоқда.

— Асосий мақсад тадбиркорлик субъектларида уяратган муаммоларни шаҳар ва туман назорат қилувчи органлари томонидан тезкор ҳал этиш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда соҳага тегишли қарор, фармонларнинг амалга оширилишини таъминлаш, — дейди Миробод тумани Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Умид Аднаев. — Ана шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида қўллаб-қувватлаш тренинглар ўтказилди. Янги иш ўринлари яратиш, экспорт-боп махсулот ишлаб чиқаришда яратилган қўлайликлар, соҳага илғор технологиялар ва банк сармояларини жалб этиш борасидаги мавзулар шулар сирасидандир.

Тадбирда кичик бизнес вакилларининг ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган хизматлар, ижтимоий ҳамкорлигини янада қўлайлаштириш юзасидан истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Хилола ВОХИДОВА

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР
ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАНМОҚДА

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда мазкур жамоат ташкилотининг май-июнь ойларидаги фаолияти атрофида муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқбол йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг илғор фоя ва ташаббусларини юзага чиқариш, лойиҳаларини ҳаётга жорий этишга яқиндан кўмаклашиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг май-июнь ойларида мазкур жамоат тузилмаси томонидан Наманган вилоятида «Оилавий тадбиркорлик — жаҳият тараққийотининг гарови», Самарканд вилоятида «Спорт майдончалари — ҳар бир маҳаллада» акциялари муваффақиятли амалга оширилди. Қашқадарё вилоятидаги Оксус ва Шайх Шамсидин кулол зияратхоналари таъмирланди. Айёлари тиббий қўриқдан ўтказиш, имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор лойиҳаларнинг ижроси таъминланди.

Айни пайтда жамоат ташкилотининг мамлакатимиз ҳудудларидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий ҳисобда қарийб 6 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олишга кўмак кўрсатилди. Бунинг самарасида бир минг бир юзга яқин янги иш ўрни яратилди. Ҳозир турли ташкилотлар билан ҳамкорликда 368 бизнес ва 125 ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Он-лайн тарзда ўтказилган йиғилишда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятдаги Кенгашлари фаолияти атрофида таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЯНГИ ХИЗМАТ
ТУРЛАРИ
КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида ҳам ушбу масалалар алоҳида қайд этилди.

Анжуман давомида жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғи орқали электрон пул ўтказмалари, пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати, обуна, тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилганлиги, рўйхатга олинучи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани ҳақида айтиб ўтилди. «Электрон пул ўтказмалари» тизими 2005 йилда Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS молиявий тизимига 14 та объектни боғлаш билан ишга туширилган бўлиб, бугунги кунда ушбу тизимга 1069 та почта алоқа объектларининг иш ўринлари боғланиб, хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу пул ўтказмалари хизматининг IFS молиявий тизими орқали Украина, Россия, Қозғистон, Белоруссия ва Молдова давлатлари билан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган ҳамда Озарбойжон ва Арманистон давлатлари билан ушбу тизимни жорий этиш бўйича тест синов ишлари олиб боришмоқда.

Соҳа вакиллари томонидан «Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизим»нинг йўлга қўйилиши фуқароларимизни пенсия ва нафақалар билан ўз вақтида таъминлашга хизмат қилаётгани ҳақида айтиб ўтилди. Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан тасдиқланган алоҳида чора-тадбирлар режасига мувофиқ жамиятнинг барча филиаллари билан тўлиқ ахборот электрон алмашинуви йўлга қўйилган ва бугунги кунда ушбу тизимга 683 та почта алоқа объектлари боғланган ҳамда қолган почта алоқа бўлимларида ишларни ижобий ҳал қилиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Рўйхатга олинучи почта жўнатмаларини назорат қилиш автоматлаштирилган тизимига 389 та почта алоқа объектлари боғланган бўлиб, шундан филиалларнинг 15 та почта бўлими, шунингдек, 187 та туман-шаҳар почта алоқаси тармоқларининг саралаш участкалари, «Халқаро почта» филиалининг 29 та ва «Тошкент почта» филиалининг 158 та почта алоқа бўлимларининг иш ўринларидир.

Почта алоқа объектларида «Paynet» тизими орқали мобил алоқа компаниялари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш борасида 79 та шохобчалар ташкил этилган. Шунингдек, 2013 йилда қўшимча равишда 81 та шохобча ташкил этиш режалаштирилган.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖда хизматлар турларини кенгайтириш мақсадида жаҳият таркибидagi филиаллар томонидан «Алексом», «Узгросуғурта» ва бошқа суғурта компаниялари билан ҳамкорликда суғурта полисларининг сотуви ташкил этилган.

Маълумот ўрнида жамиятнинг www.pochta.uz сайти орқали рўйхатга олинучи почта жўнатмалари тўғрисидаги маълумотларни қўзғатиш тизими йўлга қўйилганини айтиш мумкин.

Анжуман сўнггида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ташкилот вакиллари томонидан тўлиқ жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

